

## ТИЛ НАЗАРИЯСИ

### СИНХРОН ВА ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК

#### АСПЕКТУАЛ КОМПОЗИЦИЯ ИФОДАСИ



**Гайбулло Кулмуродович МИРСАНОВ**

Филология фанлари номзоди, доцент

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Самарқанд, Ўзбекистон

[gmirsanov@mail.ru](mailto:gmirsanov@mail.ru)

#### Аннотация

Мазкур мақола инглиз тилида композиционалликнинг аспектual семантика доирасида ифодаланишини ўрганишга бағишланган. Композиционаллик принципи гапни шакллантиришда (гап тузишда) лингвистик маънонинг сермахсул ва системали бўлишини белгилайди. Шундан келиб чиқиб, асосий эътибор аргумент вазифасидаги от ва номинал гуруҳларнинг (отли бирикмаларнинг) предикатга таъсирини ўрганишга қаратилган. Ушбу мақола предикат аспектual семантикаси турини аниқлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Калит сўзлар:** чекланганлик; чекланмаганлик; аргумент; замон; предикат; композиционаллик; семантика; аспектualлик.

#### ВЫРАЖЕНИЕ АСПЕКТУАЛЬНОЙ КОМПОЗИЦИИ

**Гайбулло Кулмуродович МИРСАНОВ**

Кандидат филологических наук, доцент

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарканд, Узбекистан

[gmirsanov@mail.ru](mailto:gmirsanov@mail.ru)

#### Аннотация

В статье анализируется композициональность в сфере аспектualной семантики. Принцип композициональности определяет продуктивность и систематичность лингвистического значения при формировании предложения. Исходя из этого, основное внимание уделяется изучению влияния существительных и номинальных групп в функции аргумента на значение предиката. Этим определяется значимость данной статьи в вопросе уточнения вида аспектualной семантики предиката.

**Ключевые слова:** предельность; неопределенность; аргумент; время; предикат; композициональность; семантика; аспектualность.

#### EXPRESSING ASPECTUAL COMPOSITION

**Gaybullo Kulmurodovich MIRSANOV**  
Candidate of Philology, Associate Professor  
Samarkand State Institute of Foreign Languages  
Samarkand, Uzbekistan  
[gmirsanov@mail.ru](mailto:gmirsanov@mail.ru)

### Abstract

The article deals with the problem of compositionality in aspectual semantics. According to the paradigm of compositionality, productivity and systematic character of a linguistic knowledge play essential role in forming of a sentence. So, the noun and the nominal group in the function of an argument play key role in determining the meaning of a predicate. Determining the semantics of aspectuality according to the theory is the main framework of the article.

**Keywords:** telicity; atelicity; argument; tense; predicate; compositionality; semantics; aspectuality.

Тил компетенцияси гапларнинг грамматик жиҳатдан тўғри курилиши ва тушуниш имкониятини аниқлайди. Коммуникатив компетенция тушунчаси эса муайян нутқ вазиятида турли типдаги матнларнинг тўғри қўлланилишига эътибор қаратилиши (1, 67) билан белгиланади. Албатта, аспектуаллик маъносининг универсал таснифига асосланган вазиятнинг фазали таркиби борасидаги қарашларни бошқа тадқиқотларда ҳам учратишимиз мумкин (10, 541–601). Уларда аспектуал маънолар таҳлили композиционал ёндашув билан белгиланади.

Когнитив грамматика композит тушунчани намоёиш этадиган семантик таркибни ўрганиб қолмасдан, “композиционал ҳодисани” англатувчи мураккаб ибораларни ва маъноларни аниқлайди. Бунга кўра, семантик таркиб иреархияси матнда иштирок этувчи барча компонент маъноларига тааллуқли. Композиционал семантика тушунчаси формал семантиканинг барча йўналишларида муҳим аҳамиятга эга. Унда келтирилишича, мураккаб турдаги гапларнинг маънолари асосий компонентлар ифодаладиган маъноларнинг функционал қўлланилишига боғлиқ. Композиционаллик принципига кўра, лисоний билимнинг сермахсул ва системали бўлиши муҳимдир. Мураккаб иборалар ифодаладиган маъно ҳар бир бўлакнинг функциясида юзага келадиган маънога боғлиқ ҳисобланади.

Ушбу композиционаллик назарияси асосида инглиз аспектологлари аспектуал/акционал композиционаллик назариясини киритдилар. Мазкур назария асосидаги тадқиқотлар ҳозирги кунда Россияда ҳам кенг олиб борилмоқда (6, 2009). Акционал ёки аспектуал композициянинг моҳияти шундан иборатки, бунда предикатнинг чегараланганлик хусусияти берилган предикат номинатив аргументининг семантик хусусияти таъсирида содир бўлади (11). Бунда, ҳар бир гапнинг муайян қисми пропозиционал

мазмуннинг соҳиби сифатида ажратилади ва ўша қисм композиционаллик принципига асосланган ифода ҳисобланади (12, 219). Шундай қилиб, аспектунал композициянинг асосий мақсади тилда ифодаланадиган мураккаб қурилмаларнинг синтактик боғлиқлигида юзага келадиган семантик натижани аниқлашга қаратилади. Бу жараён синтактик композиционалликни ташкил этади.

Феъллар, аргументлар, темпорал модификаторлар концептуал хусусият сифатида тасвирланади. Бу каби ёндашувларда Р. Лэнгакернинг фундаментал ишларига асосланган, аммо мантикий нуқтаи назардан ҳодиса структураси (event structure) ва композиционаллик қўшимча ўзига хос жиҳатларни ҳам қамраб олди. Шуниси маълумки, мазкур ёндашувда аспект борасидаги мулоҳазалар асосан, семантик фарқларни аниқ тушунишга қаратилади. Шунинг учун ҳам дискурда аспектунал семантик турларни аниқлаш учун композицион ёндашувга мурожат қиламиз. Композиционаллик атамасидан адабий, фалсафий ва лингвистик соҳаларда қўлланишади. Лисоний доирада композиционаллик муайян синтактик-семантик воситаларнинг бир бутун шаклдаги кўриниши бўлиб, билдириладиган ифода комплекс маънога нисбатан ишлатилади (7, 715–716).

Композиционал вазият воқеа-ҳодиса турини аниқлашда табиий асос бўлади. Бундаги муҳим мақсад таҳлил ҳисобланади, яъни феъл ва унинг аргументларининг аспектунал имкониятларини таҳлил этиш орқали гапдаги аспектунал вазият тури аниқланади.

Композиционал ёндашув тарафдорлари аспектунал композицияни Манфред Криффанинг “Мереологик ёндашув” назарияси (8) асосида ички асоснинг квантативлигига эътибор қаратадилар. Бу “Incremental theme” –инкременталлик атамаси билан ҳам юритилади. Мазкур таҳлилга рус тилшуноси Е. В. Падучева “Накопитель эффекта” (5, 46–57) атамасини киритади.

Инкрементал феъллар ва улар таҳлилининг устун жиҳати шундаки, аспектунал семантика айнан аргументда ички тугалланиш хусусиятининг мавжудлигига қараб аниқланади. Мазкур ҳолларда предикат томонидан ифодаланган ҳодисанинг замон (вақт)даги оқими ва денотатив аргумент хусусиятининг ўзгариши назарда тутилади. Ушбу ўзгаришнинг юзага келишида объект ҳажмининг кенгайиши, ҳолат ўзгариши ҳосил бўлиши ёки камайиши ва охир-оқибат тугалланишига ўзига хос градуал семантика сифатида қаралиб, инкременталлик юзага келтирилади. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларидаги инкрементал феъллар ифодалайдиган аспектунал семантик белгиларнинг баъзиларига эътибор қаратамиз:

## Plough earth

Ағдармоқ (ерни) чекланмаган аспектүал семантика.

(дарахтни) чекланган аспектүал семантика.

Clean the room чекланган аспектүал семантика.

Clean the floor чекланмаган аспектүал семантика.

Хонани тозаламоқ чекланган аспектүал семантика.

Полни тозаламоқ чекланмаган аспектүал семантика.

Майдонни тозаламоқ чекланмаган аспектүал семантика.

Аспектүаллик, биринчи навбатда, феъл ҳаракати оқими ва унинг вақт жараёнида қай тарзда кечиши каби семантик белгилар таҳлилини ўз ичига олади. Славян тилларида аспектүал таҳлил асосини феъл семантикаси, яъни феълнинг акционал семантикаси (чегараланган/чегараланмаган)га асосий эътибор қаратилиб, шу орқали предикатда ифодаланадиган аспектүал маъно аниқланадиган бўлса, композиционаликда ҳаракатнинг чекланганлиги ёки чекланмаганлиги бутун предикат доирасида таҳлилга олинади. Бунда, таъкидланганидек, аргументнинг семантикасига асосий эътибор қаратилади. Аргументни ташкил этадиган субстант (субстант тўлдирувчи ва эга вазифаларида келиши мумкин) феъл ҳаракати натижасида (табiiй шароит сифатида) тугалланиш хусусиятига эга бўлганда инкременталлик юзага келади. Айнан мазкур ёндашув – инглиз ва рус тилларидаги инкрементал феълларнинг ўхшаш эканлиги Е.В.Падучева (5) томонидан қайд этиб ўтилади.

Санаб ўтилган сатҳлар композиционал таҳлил доирасини қамраб олган. Айнан композиционал ёндашув аспектүалликни тушунишнинг дискурсив кўринишинига асос бўлади. Композиционал таҳлил нуқтаи назаридан ёндашилганда, аспектүалликка оид тадқиқотларда воқеа- ҳодисанинг ички хусусияти ва унинг вақт оралиғида қай ҳолда тақсимланиши эътиборга олинади. Чунки, вазият мазмуни ўз моҳиятига кўра аспектүалдир. У дискурс кўринишида турли типдаги вазият мазмунини намойиш этади. Маълумки, матн нарратив ва ахборот шаклида *ҳодиса* ва *статив*ликни қамраб олади (9, 67). Масалан: *She married. Her husband died. She worked as a governess in Boston for two years. When the war ended, she returned to England* (Allison Lane, 27).

Келтирилган мисолда нарративлик мавжуд бўлиб, ҳар бир контекстда тугалланган аспектүал маълумот ифодалаган. Контекстдаги тугалланган предикатлар маъно жиҳатдан бир-бирини тўлдириб келган. Замон шаклларнинг бир хил кўринишга эгаллигига қарамадан, ҳодиса, вазиятларнинг боғланганлиги, узвийлиги аспектүал дискурснинг ифодаланишини таъминлаган. Мисолдаги *for two years* темпорал бирикмасининг маъно таъсири натижасида дуратив

аспектуал семантика вужудга келган. Матндаги турли воқеа-ҳодисаларнинг бир мавзуга бирлашиши аспектуал дискурснинг ифодаланишини таъминлаган. Сўзимизнинг исботи сифатида В. Григорьеванинг қуйидаги фикрига мурожат қиламиз: “Дискурс тил бирлиги сифатида умумий ва алоҳида хусусиятлар билан характерланади. Дискурснинг унверсал хусусиятларига бирбутунлик ва боғлиқлик киради” (2, 22).

Гапнинг аспектуал кўриниши (the aspectual viewpoint) фотокамера линзасига ўхшайди. У контекст доирасида ифодаланадиган барча бўлақларни камраб олади ҳамда эътибор қаратилган маълумотни очиқ намоиш этади. Мазкур вазиятда фақатгина кўзга ташланадиган маълумотлар семантик таҳлилга олиниши орқали композиционаликка хос деб қаралади (2, 68).

Аспектуал композиция предикат доирасида феълларнинг морфологик (ўтимлилик-ўтимсизлик), лексик-семантик хусусиятлари, шунингдек, тўлдирувчи ва эга семантикаси билан муносабатга кирган ҳолда белгиланади. Бирор семантикани аниқлаш авваллари синтактик сатҳда олиб борилган, яъни муайян бирикмалар доирасида тадқиқ этилган бўлса, ҳозирда концептуаллаштириш орқали вазиятларда амалга оширилмоқда. Ҳар хил шакллар, турли конструкциялар бир хил вазиятларни ифодалаш мумкинлигини, аммо маънолар турлича бўлишини англатади. Шунинг учун ҳам композиционалик аспектуал семантикада бутун предикацияга таллуқли ҳодиса сифатида қаралади. Мазкур назария предикат ифодалайдиган маъно чекланган (**telic**) ёки чекланмаган (**atelic**) ҳодиса эканлигини белгилаш учун хизмат қилади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гвенцадзе М.А. Коммуникативная лингвистика и типология текста. – Тбилиси, 1986. – 67 с.
2. Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты. – Тамбов, 2007. – 288 с.
3. Падучева Е.В. Динамические модели в семантике лексике. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – 608 с.
4. Падучева Е.В. Имперфектив отрицания в русском языке // Вопросы языкознания. № 3. 2008. – С. 4–24.
5. Падучева Е.В. «Накопитель эффекта» и русская аспектология // Вопросы языкознания. – М., 2004. № 5. – С. 46–57.
6. Татевосов С. Тубаларские этюды. – М.: ИМЛИ РАН, 2009. – 76 с.
7. Brown Keith. Encyclopedia of Language and Linguistics. – Cambridge: University of Cambridge, 2002. – 1048 p.
8. Krifka M. “The Origins of Telicity.” Rothstein, S. (ed.) Events and Grammar. – Dordrecht /Boston /London: Kluwer Academic Publishers, 1998. – P. 197–235.
9. Smith C. S. Modes of Discourse. The Local Structure of Texts. – Cambridge University Press. 2003. – 336 p.

10. Partee B. H. Quantificational Structures and Compositionality. – USA: Blackwell Publishing Ltd. 1995. – P. 541–601.
11. Rothstein, Deborah S. Structuring Events: A Study in the Semantics of Lexical Aspect. –United Kingdom: Blackwell Publishing Ltd., 2004. – 206 p.
12. Siobhan Ch., Christopher R. Key Ideas in Linguistics and the Philosophy of Language. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2009. – 271 p.